ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**География факультети**

Ижтимоий география ва
демография кафедраси

*Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси
фанидан*

# КУРС ИШИ

*Мавзу:* ***Сурхондарё вилояти хўжалигининг ҳудудий хусусиятлари***

Бажарди:
география йўналиши
3-курс талабаси Сувонова Х.

Текширди:
кат.ўқит. Эгамбердиева У.

**Тошкент 2012**

Мавзу: Сурхондарё вилояти хўжалигининг ҳудудий хусусияти.

## Мундарижа.

Кириш ....................................... 3
1-бўлим. Сурхондарё вилоятининг иқтисодий географик ўрни ва табиати ............ 5
Вилоятнинг фойдали қазилмалари ........................ 7
Вилоят иқлимининг умумий хусусиятлари .................. 11
Ўлканинг ички сувларига умумий таъриф ............... 14
Тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ..................... 18
Сурхондарё вилояти аҳолиси .. 24
2-бўлим. Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги ва саноати ........................ 25
Сурхондарё вилоятида ғаллачиликнинг ривожланиши ..... 29

«1»

Вилоят саноатига умумий таърифф......................32
Сурхондарё вилоятининг ҳудудий иқтисодиёти.........42
Сурхондарё вилояти транс-порт тизими ва халқаро иқтисодий алоқалари........59
Хулоса......................62
Фойдаланилган адабиётлар..63

# Кириш

„Сурхон воҳаси ҳақида гап борар экан, аввалламбор, бир томони арчазор тоғлар, бир томони бепоён далалардан иборат гўзал, қуёшли бир ўлка, шу ўлкада яшаётган, ўзининг куч-қудратига ишонган, ўзига тўқ эл-юрт кўз ўнгимизга келади"

Ислом Каримов.

Ўзбекистон Республикасининг жанубий қисмида жойлашган Сурхондарё вилояти асрлар давомида Ватанимизнинг ўтмиши тарихи ва юксак маданиятида муҳим ўрин эгаллаб келган. Қолаверса, ушбу воҳа жаҳон тамаддунининг ривожига улкан ҳисса қўшган ҳудудлардан бири саналади. Ягни кишилик жамиятининг илк шаклланиш босқичи жарайёнида Бойсун тоғи-

даги Тешикташ ва мачайгор маконлари, Зараутсойдаги қоя тошларга битилган тасвирий санъат намуналари ҳозирга қадар яхши сақланиб қолгани мазкур минтақанинг жуда қадим эканлигидан далолат беради.

„Бу тупроқдаги ҳар бир тош, ҳар бир ғиштнинг ўз тарихи бор. Зараутсой ва Тешиктош ғорлари, Боботоғ ва Бойсунтоғ қояларидаги битиклар ва суратлар бу замин жаҳон цивилизациясининг илк бешикларидан эканлигига гувоҳлик беради".

Ислом Каримов.

Мустақиллик йилларида, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Сурхондарё вилоятида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Бу янгиланиш замонавий лойиҳалар ва миллий меъморчилик услу-

бида қурилган кўплаб маданий-маиший бинолар, янги турар жой бинолари, саноат корхоналари ва бошқалар мисолида намоён бўлмоқда. Улар ҳақидаги маълумотлар билан биз қуйида келтириладиган режалар орқали танишамиз.

## 1-бўлим. Сурхондарё вилоятининг иқтисодий географик ўрни ва табиати.

Сурхондарё вилояти – Ўзбекистон Республикаси таркибидаги вилоят. 1941-йил 6-мартда ташкил этилган. (1925-йил 29-июндан Сурхондарё округи бўлган). 1960 йил 25 январда Қашқадарё вилояти билан қўшилган. 1964 йил 7 февралда қайтадан ташкил қилинди. Республиканинг жануби-шарқида, Сурхон-Шеробод водийсида жойлашган. Жанубдан Амударё

бўйлаб Афғонистон, шимол, шимоли-шарқ ва шарқдан Тожикистон, жануби-ғарбдан Туркманистон, шимоли-ғарбдан Қашқадарё вилояти билан чегарадош. Ҳудуди 20,1 минг км². Сурхондарё вилоятининг таркибида вилоятга бўйсунувчи 14 туман: Ангор, Бандихон, Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Музрабод, Олтинсой, Сариосиё, Термиз, Узун, Шеробод. Шўрчи, Қумқўрғон; 8 та туманга бўйсунувчи шаҳарлар: Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Термиз, Шарғун, Шеробод, Шўрчи, Қумқўрғон; 7 та шаҳарча; Ангор, Дўстлик, Какайди, Сариосиё, Сариқ, Элбаён, Хуррият; 114 қишлоқ фуқоролар йиғини, 698 та маҳалла фуқоролар йиғини ва 847 та қишлоқ аҳоли пунктлари бор. Маркази Термиз шаҳри.

Сурхондарё вилояти рельефи тоғ ва текисликлардан

иборат. Тоғлардан оқиб тушадиган кундан-кун дарё ва сойлар дара ҳосил қилган. Сурхондарё ва Шерободдарё оқиб ўтадиган текислик шимол, ғарб ва шарқдан баланд Ҳисор тизмаси ва унинг тармоқлари билан ўралган.

## Вилоятнинг фойдали қазилмалари

Сурхон замини нафақат гўзал табиати, қулай иқлими ва географик жойлашуви, қадимий ва тарихий ёдгорликларига эга бўлмасдан, қимматбаҳо ҳом ашё захираларига ҳам жуда бой.

Вилоят замини юзга яқин фойдали қазилмаларни ўз бағрида сақламоқда, уларнинг фойдаланиш кўлами жуда кенг бўлиб, бу нефт, газ, кўмир, керамзит, мармар, гранит, гипс, кварцит, доломит, цинк

мис, олтин каби қимматбаҳо рангли металлар ва бошқалар мавжуд.

Шундай қимматбаҳо металлардан бири Тупат графитларидир. Нафақат Ўзбекистонда балки бутун дунёда ҳам ҳозирги кунда импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган, органик, ноорганик, полимер, графит, керамика, электр изоляция материаллари ишлаб чиқариш саноатини ташкил этиш энг долзарб, муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Сариосиё Тупат графитлар захираси ана шундай талабларга жавоб берувчи муҳим хом ашё ҳисобланади.

Чирик фойдали қазилмаларидан яна бири сифатли кўмир конларининг мавжудлигидир. „Шаргун", „Бойсун", „Тўда", „Фангард", „Хауз Фангард", „Санжар", „Вандоб".

«8»

„Қизил олма" кўмир конлари шулар жумласидандир.

„Шарғун" кўмири захиралари 62,0 млн тонна бўлиб, халқаро технологик талабларга тўла жавоб беради яъни ёниш иссиқлиги 1600-8340 ккал. ни ташкил этади. Ҳозирги кунда йилига 90 минг тонна кўмир эҳтиёж учун ишлатилмоқда.

„Тўда" кўмир кони Бойсун тоғлари ёнбағрида жойлашган бўлиб, у ёқилғи, карбид, фаоллашган кўмир, графитлар, графит электродлари, қалам маҳсулотлари, радиотехника деталлари, инсонлар учун дори воситалари бўлиб хизмат қилади.

Вилоят ҳудудида мавжуд бўлган ёқилғи энергетика ресурсларидан яна бири ёнувчи сланец. Сайроб ёнувчи сланецлари ёниш иссиқлиги 2515-2781 ккал бўлиб, таркибида ванадий, молибден, волфрам, германий

бўлгани сабабли бу хомашё қимматбаҳо ҳисобланади.

Хўжайкан ош тузи захиралари 50 млн. тонна бўлиб, мамлакатимиз аҳолиси учун йилига бионорма бўйича 125-130 минг тонна ош тузи талабига кўра 200 йилга етади. Хўжайкон ош тузи конлари шуниси билан қимматлики, биринчидан кимиявий таркиби NaCl ионларига 96-97 % гача тўйинган, бу ош тузига қўйиладиган талабларга кўра аъло кўрсаткич, иккинчидан, таркиби жуда ҳам тоза, ёнида катта гипс захиралари, Говурдак олтингугуртлари бўлишига қарамасдан туз таркибида бегона аралашмалар учрамайди, учинчидан, захира ҳам ёш, ўсувчи, тўртинчидан, хом ашё ер сиртида жойлашган қўшимча техник қурилмалардан фойдаланишга зарурат йўқ.

Қурилиш материаллари

сифатида кўплаб фойдали қазилмалардан фойдаланилмоқда. Масалан, Дарбанд, Кўҳитанг оҳактошлари, Кофрун доломитлари, Соқабулоқ керамзитлари, Хўжа Аспининг рангли: кулранг, оқ, чизиқли ва тоза мармарлари, Оқработ безак қопламалари, Бойсун-Панжоб оҳакс захиралари шулар жумласидандир.

Вилоят замини артезиан ҳавзасидаги Ховдак, Кокайди, Учқизил массивларида йод, бром моддаларига бой бўлган қудуқлар мавжуд бўлиб, улардан 50-750° ҳароратли қайноқ сувлар 2500-3000 метр чуқурликдан 25-28 атмосфера босим остида чиқмоқда.

## Вилоят иқлимининг умумий хусусиятлари.

Сурхондарё вилоятининг

иқлими қуруқ субтропик иқлим. Лекин атрофдаги тоғларга кўтарилган сари иқлим ўзгариб боради. Ўлканинг текислик қисмида ёз серқуёш, иссиқ ва қуруқ, тоғга томон ҳарорат пасайиб боради. Қиш илиқ ва қисқа, лекин атрофидаги тоғларда совуқроқ бўлади.

Ёзда ўлканинг текислик қисми жуда исиб кетади. Июлнинг ўртача ҳарорати Деновда +28,4° С, Шерободда +32,1° С га етади. Ёзда ҳаво ҳарорати Термизда +50° С гача кўтарилганлиги кузатилган (1914 йил 21 июльда). Бу республикамизда қайд қилинган энг юқори ҳароратдир.

Қиш ўлканинг текислик қисмида илиқ бўлиб, январнинг ўртача ҳарорати Шеробод ва Термизда +2° С га тенг. Лекин атрофдаги тоғларнинг 2500 - 3000 м.

баландликларида январнинг ўртача ҳарорати -6° с. Баъзан қишда совуқ ҳаво массалари тоғлардан ўтиб, текислик қисми ҳароратини пасайтириб юборади. (-20° с гача).

Сурхондарё ўлкасида ёғинлар нотекис тақсимланган. Йиллик ёғиннинг кўп қисми қишда (46-48 %) ва баҳорда (43-44 %) ёғади. Куз ойларига йиллик ёғиннинг 8-10 % и, ёзга эса атига 1-2 % и тўғри келади.

Ўлканинг текислик қисмида қор қоплами узоқ турмайди. Баъзи йиллари ўлканинг текислик қисмига қор бутунлай ёғмайди. Лекин тоғларнинг 1900-2000 м. баланд қисмларида доимий эримай туради. Доимий қор чизиғи Ҳисор тоғининг жанубий ёнбағрида ўртача 3900-4100 м. дан бошланади. Шу сабабли Ҳисор тоғининг жанубий ёнбағрида кичик

музликлар мавжуд.

Ўлка жанубий қисмининг иқлимига жануби-ғарбдан эсувчи чанг-тўзонли қуруқ „Афғон" шамоли салбий таъсир кўрсатади. Бу шамол баъзан 4-5 кунгача давом этиши мумкин. „Афғон" шамолининг тезлиги секундига 15 метрга етиб, чанг-тўзон кўтарилиб 200 м. масофадаги нарсаларни кўриб бўлмайди. „Афғон" шамоли кўпроқ баҳор фаслида эсади.

## Ўлканинг ички сувларига умумий таъриф

Ўлканинг энг муҳим дарёси Сурхондарё ва Шерободдарё ҳисобланади.

Сурхондарё Тўполон билан Қоратоғ дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади ва Амударёга қуйилади, узунлиги

196 км. Дарё водийсининг ўртача кенглиги 5-6 км.

Сурхондарё суви май-июнь ойларида кўпаяди. Аксинча, қишда камаяди. Дарёнинг ўртача кўп йиллик сув сарфи 76,2 куб/м/сек, ўртача лойқалиги ҳар куб/м. сувида 2,9 кг. ни ташкил этади.

Тўполондарё – Сурхондарёнинг асосий ирмоғи. У Ҳисор тизмасининг 3800 м баландликдаги қисмидан бошланади. Узунлиги 124 км, ҳавзасининг майдони 5217 км².

Сангардак – Сурхондарёнинг йирик ўнг ирмоқларидан бири. У Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбидан, 3800 м. баландликдан бошланади. Узунлиги 114 км, ҳавзасининг майдони 948 км².

Хўжаипок – Сурхондарёнинг иккинчи йирик ўнг ирмоғидир. У Бойсун тоғининг 3500 м.

баландлигидан бошланади. Узунлиги 97 км, ҳавзасининг майдони 765 км². Дарё юқори оқимида тоғ дарёсидир. Унинг суви апрель-май ойларида кўпаяди, сентябрдан февралгача камаяди.

Шеробод дарёси — Амударёнинг энг охирги ўнг ирмоғи ҳисобланади. Бойсун тоғларининг 2700 м. баландликдаги қисмидан бошланади. Дарёнинг узунлиги 186 км, ҳавзасининг майдони 2950 км².

Шеробод дарёси юқори қисмида Мачайдарё, ўрта қисмида Шеробод, қуйи қисмида Шеробод деб аталади. Шеробод дарёси тоғли қисмида тоғ дарёсига ўхшаш бўлиб, Дарбанд қишлоғидан қуйида унинг водийси аста-секин кенгаяди, қуйи қисмида эса тармоқларга бўлиниб, қуруқ делта ҳосил қилиб тугайди.

Шеробод дарёси қорларнинг эришидан, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади.

Сурхондарё сувидан оқилона фойдаланиш ва янги ерларни ўзлаштириш мақсадида сув омборлари ва ариқлар қурилган. Энг муҳимлари Занг, Хазарбоғ, Қумқўрғон, Жўнайди, ариқлари ва Жанубий Сурхон (1959-1962-йиллар), Учқизил (1957-1958-йиллар) сув омборларидир.

Сурхондарёда ер ости сувларининг катта захираси бор. Сурхондарё атрофини ўраб турган тоғларда тўпланган ер ости сувининг бир қисми булоқ тариқасида ер бетига чиқса, қолган қисми тоғ олди минтақасидаги жойларда тўпланади.

Ўлканинг текислик қисми Сурхондарё артезиан ҳавзасига киради, ер ости сувлари бир неча қатламлар орасида

жойлашган.

Ўлканинг 900-1000 метрдан чуқур қисмида минераллашган иссиқ сувлар жойлашган, ҳарорати 50-70° С га етади. Масалан, Жайронхона минерал суви 2100 м чуқурликдан чиқиб, ҳарорати 70° С. дан юқори. Жўнайди, Лалмикор, Учқизил, Ховдоғ, Эски Термиз каби жойлардан булоқлар чиққан бўлиб, улар шифобахш хусусиятга эга.

## Тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси

Тупроғи. Сурхондарё ўлкасининг тупроғи ер юзасига, иқлимга, ер ости сувларига боғлиқ ҳолда турли жойларда турличадир. Океан сатҳидан 500 м. баландликкача бўлган жойларида оч бўз тупроқ тарқалган.

Оч бўз тупроқлар тарқалган

жойларда ер ости сувларига боғлиқ ҳолда шўрлашган тупроқ, тақир бўз тупроқ, аллювиал-ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ тупроқлар ҳам учрайди. Ўлканинг жанубий қисмидаги қум массивларида қумли ва қумлоқ тупроқлар учрайди.

Ўлканинг 500 м. дан 1500 м. баландликкача қисмида оддий ва тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган. Буларда чиринди қатлами 0,7 м. га етади. Бундай тупроқлар кўп жойларда ўзлаштирилиб, маданий бўз тупроққа айлантирилган.

Сурхондарёнинг 1200-1500 м. дан баландда бўлган тоғ ёнбағирларида тоғ жигарранг тупроқлари тарқалган бўлиб, таркибида чиринди 4-6 %.

Ўлка тоғларининг 2500 м. дан юқори қисмларида оч-қўнғир тоғ тупроғи тарқалган. бўлиб, айрим жойларда тошлоқли ерлар

очилиб қолган жойлар мавжуд. Оч-қўнғир тупроқ таркибида чиринди миқдори 4-5%. Баъзан арчазор ва ёнғоқзорлар тагида тоғ-ўрмон-қўнғир тупроғи бўлиб, таркибида чиринди миқдори 10%.

Ўсимликлари. Ўлка ўсимликлари унинг ер усти тузилишига, иқлимига, тупроқ қоплами ва ер ости сув сатҳига боғлиқ холда турлича тарқалган.

Ўлканинг 500 м. баландликкага бўлган қисмида чўл минтақасига оид ўсимликлар бор. Бу ерларда эфемерлардан ранг, илоқ, қўнғирбош, пўхатак, шунингдек, шувоқ ва бошқа ўсимликлар ўсади. Ер ости сувлари ер бетига яқин бўлган жойларда шўралар ўсади.

Сурхондарё адирларида намлик нисбатан ортади, бинобарин ўсимликлар хам бирмунча зич.

Адирда кўпроқ эфемер ўсим-
ликлар ҳамда шувоқ, каврак,
қўзиқулоқ, бир йиллик астра-
гал, жавдар, буғдойиқ кабилар
мавжуд. Шунингдек адирларда
бутасимон ўсимликлардан ит-
бурун, бодом, зирк кабилар ҳам
ўсади.

Сурхондарё тоғларида (1500-
2000 м.) ҳарорат нисбатан па-
саяди, ёғин миқдори ортади.
Бу эса баланд бўйли ўтлар-
нинг ўсишига имкон беради,
буғдойиқ, жавдар, ёввойи арпа,
ширач, қурғоқчил ва тошлоқ
ерларда астрагал ўсади. Бута-
лардан, бодом, итбурун, зирк,
дарахтлардан арча, заранг,
хандон писта, ёнғоқ, дўлана, те-
рак кабилар ўсади. Сурхондарё
ўлкасининг шарқида жойлаш-
ган Боботоғ ўзининг хандон
писталари билан машҳурдир.
Сурхондарё ўлкасида чинорлар
ҳам кўп ўсади, хусусан

Бойсун ва Сайроб қишлоқларида. Сайроб қишлоғидаги чинор ўлкадаги энг кекса чинор бўлиб, ёши 800 йилдан ортиқ. Бу чинор танасида катта ковак бўлиб, аввал ундан аскарлар қароргоҳи сифатида, сўнгра қишлоқ кенгаши, кутубхона, мактаб, чойхона, сартарошхона сифатида фойдаланилган. Ҳозир бу кўҳна чинор табиий ёдгорлик сифатида муҳофаза қилинмоқда.

Ҳайвонот дунёси. Сурхондарё ўлкасида бўри, тулки, бўрсиқ, кийик, тоғ такаси, тоғ қўйи, Ҳиндистон майнаси, қалдирғоч, кемирувчилардан, каламуш, қўшоёқ, юмронқозиқ кабилар яшайди.

Сўнги йилларда ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалигида кимёвий моддаларни тадбиқ этиш, ҳар хил завод ва фабрикаларни қуриш, яйлов-

лардан нооқилона фойдаланиш, мевали ва доривор ўсимликларга нотўғри муносабатда бўлиш туфайли ўлка табиатида салбий ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳаво, сув ифлосланмоқда, тупроқ эрозияга учрамоқда, баъзи ўсимлик ва ҳайвон турлари камайиб кетмоқда.

Сурхондарё ўлкаси табиатини, хусусан Амударё тўқай ландшафтини, Кўҳитанг тоғ ландшафтини, у ерлардаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг баъзи турларини химоя остига олиш (мумкин.) учун Сурхондарё қўриқхонаси ташкил этилган. Қўриқхона майдони 28014 гектар бўлиб, иккита қисмдан иборат. Биринчи қисми 1960 йилда ташкил этилган собиқ Пайғамбаророл қўриқхонасини ўз ичига олади. Бу қисм Амударёдаги бўйи 15 км, эни 5 км бўлган оролда жойлашган, унда тўқай

ландшафти ва у ердаги ўсимликлар ҳамда ҳайвонлар ҳимоя қилинади.

Сурхондарё қўриқхонасининг иккинчи қисми собиқ Кўҳитанг буйуртмасининг ҳудудини ўз ичига олиб, тоғ ландшафти ҳамда морхўр, Бухоро тоғ қўйи, бургут ҳимоя остига олинган. Шунингдек қўриқхона ҳудудида Зарауткамар археологик ёдгорлиги ҳам жойлашган.

## Сурхондарё вилояти аҳолиси

Сурхондарё вилояти аҳолиси 2 миллион 52 минг нафар бўлиб, Республика аҳолисининг 7,3 фоизини ташкил этади. Аҳолининг 80,9 фоизи ёки 1647,3 минг нафари қишлоқларда, 19,1 фоизи ёки 389,9 минг нафари шаҳарларда яшайди. Булар 102 миллат ва элатларга мансуб кишилардир. Уларнинг 1899,3 минг

нафари (82,9 %) ни ўзбеклар, 258,4 минг нафари (12,5 %) ни тожиклар, 26,6 минг нафари (1,3 %) ни туркманлар, 24,0 минг нафари (1,2 %) ни руслар, 7,9 минг нафари (0,4 %) ни татарлар, 2,3 минг нафари (0,1 %) ни қозоқлар, 0,7 минг нафари (0,03 %) ни корейслар, 32,8 минг нафари (1,6 %) ни бошқа миллат вакиллари ташкил этади.

Вилоят аҳолиси ҳақидаги бошқа маълумотлар билан қуйида келтириладиган режалар орқали танишиб борамиз.

## 2-бўлим. Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги ва саноати

Қишлоқ хўжалиги. Сурхондарё аграр ишлаб чиқаришга ихтисослашган вилоятлардан ҳисобланади. Шу боис, бу ерда қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантириш устивор йўна-

ишлардан саналади. Бу борада ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан 105,9 % га бажарилди.

Жумладан давлатда пахта хом ашёси етказиб бериш учун 335 минг тоннага шартномалар тузилиб, амалда 349,8 минг тонна пахта хом ашёси етказиб берилди. Шунингдек, 102,2 минг гектар майдонга бошоқли дон экилиб, барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 675,7 минг тонна дон ишлаб чиқарилди.

Бундан ташқари, Сурхондарё азалдан мева-сабзавотчилик борасида довруқ қозонган. Масалан, 2009 йилда деҳқон хўжаликлари билан биргаликда 111179 тонна картошка етиштирилиб, 2008 йилга нисбатан 105,0 % га ёки 5270 тонна картошка кўп тайёрланди.

Шунингдек, 2009 йилда 104867 тонна полиз маҳсулотлари

67471 тонна узум ва 84121 тонна ҳўл мева тайёрланди.

Вилоятда 2009 йилда ялпи ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари ҳажми 425,9 млрд. сўмга тенг бўлди. Шу жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 6,8 млрд. сўм, фермер хўжаликлари томонидан 21,8 млрд. сўм ва деҳқон хўжаликлари томонидан 397,3 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Чорвачиликни янада ривожлантириш мақсадида режали ишлар олиб борилмоқда. Натижада, мазкур соҳада йилдан-йилга ўсиш кўрсаткичлари қайд этилмоқда. Масалан, барча тоифадаги хўжаликлар ҳисобига 2008 йилга нисбатан қорамоллар 103,5 %ни ёки 647,7 минг бошни, шу жумладан, сигирлар 284 минг бошни, қўй ва эчкилар 1592,3 минг бошни ҳамда паррандалар

111,8 % ни ташкил этди.

Ҳозирги вақтда вилоятда жами суғориладиган ер майдони 325690 гектарни ташкил қилади, ушбу ер захираларидан унумли фойдаланиш энг долзарб масалалардан биридир. Шу боис, бутун республикада бўлгани каби мазкур вилоятда ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўли билан суғориладиган ерларнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2009 йилда 3254 млн сўм маблағ сарфланиб, 721,8 км зовурларда тозалаш ва тиклаш ишлари, 294,7 км ёпиқ-ётиқ дренажлар ювилди, 10 та мелиоратив скважиналарда қайта тиклаш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги „Қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик сув ва

«28»

табиий газ билан таъмин-
лашни янада яхшилаш чора-
тадбирлари тўғрисида" ги қа-
рорига мувофиқ, 1356,4 млн.
сўм бюджет маблағлари ҳи-
собидан Бойсун (2,9 км), Денов
(2 км 4 дона), Жарқўрғон (6 км),
Қумқўрғон (2 км 2 дона), Музра-
бот (4,5 км), Олтинсой (1,5 км, 2
дона), Сариосиё (1,7 км 2 дона), Узун
(4 км 2 дона), Термиз (2 км 2 дона)
Шеробод (7,5 км 2 дона), Шўрчи
(4 км 5 дона) туманларида жами
36,6 км ичимлик сув тармоқлари-
да қурилиш ишлари амалга оши-
рилди, 18 та ичимлик сув қудуғи
ўрнатилди.

## Сурхондарё вилоятида ғалла-чиликнинг ривожланиши

Ўзбекистонда мустақиллик-
нинг илк кунларидан бошлаб
ғаллачиликни ривожлантиришга
алоҳида эътибор қаратилди.

«29»

Хусусан Президентимиз ташаббуси билан дон мустақиллиги дастури қабул қилинди ва ғаллачиликни ривожлантириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, дони экинлари майдони суғориладиган ерлар ҳисобига кенгайтирилди. Масалан, 1995 йилда мамлакатимиз умумий экин майдони таркибида донли экинлар улуши 39,8 % ни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 43,2 % га етказилди.

Жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам, 2010 йил ҳосили учун 24454 тонна ғалла уруғи тайёрланди. Шунинг 2320,5 тоннаси ёки 9,5 % и Андижон суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли дон ўсимликлари илмий-тадқиқот институтининг филиали бўлган Денов туманидаги С. Раҳимов номли хўжалик томонидан етказиб берилди. 2009 йилда жами ғалла

уруғининг 1760 тоннаси ёки 7,2 % и андижон вилоятидан келтирилди. Мазкур ҳолат ортиқча транспорт харажатларини талаб этади ва етиштирилган дон маҳсулотлари таннархи ошишига олиб келади.

Дон ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши унинг қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришни ҳам талаб этади. Вилоятда етиштирилган дон ҳосили асосан иккита саноат корхонаси томонидан қайта ишланмоқда, булар „Шўрчидонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти ва „Сурхондарёдон маҳсулотлари" ҳиссадорлик жамиятига қарашли Термиз шаҳридаги ун заводидир. 2009 йилда ушбу корхоналар томонидан 112323 тоннадан ортиқ ун ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг 77181 тоннаси ёки 68,7 % и „Шўрчидонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти ва

35142 тоннаси ёки 31,3 % и „Сурхондарёдонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамиятига қарашли Термиз шаҳридаги ун заводи томонидан ишлаб чиқарилган. Вилоятнинг Шеробод, Музработ, Қизириқ ва Ангор туманлари дон етиштиришда юқори салмоқни эгаллайди.

## Вилоят саноатига умумий таъриф

Вилоятда 2009 йил давомида жами 1860 та саноат корхоналари рўйхатдан ўтган бўлиб, шунда 1462 таси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 22 таси йирик, 444 таси кичик саноат корхоналари ҳисобига тўғри келади. Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 2008 йилга нисбатан ўсишга эришилгани мазкур соҳанинг истиқболи

«32»

ортиб бораётганидан далолатдир. Айниқса, электроэнергетика (95,5 %), кимё ва нефт кимё саноати (3-9 марта), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати (144,5 %), қурилиш материаллари саноати (127,6 %), енгил саноат (101,3 %), озиқ-овқат саноати (100,8 %), ун-крупа ва комбикорма саноатларида (122,3 %) ўсишга эришилганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги „Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармойишининг бажарилиши юзасидан 2009 йил давомида Сурхондарё вилоятида саноат корхоналари томонидан 2945 та янги касаначилик иш ўринлари ташкил этилиб,

белгиланган топшириқ 5,8 % га ортиғи билан бажарилди. Жумладан, йирик саноат корхоналарида 511 та, бошқа тармоқлардаги йирик корхоналарда 1160 та, кичик саноат корхоналарида 1274 та янги касаначилик иш ўринлари яратилди.

Саноат ишлаб чиқариш ҳақидаги умумий ва батафсил маълумотлар билан қуйида келтириладиган кўрсаткичлар орқали танишамиз.

Аввало иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши (тармоқлар) ҳудудлар бўйича кўриб чиқсак.

| № т/р | Кўрсаткичлар номлари | Ўлчов бирлиги | 2009 йил ҳақиқатда | 2010 йил | | 2009 йилга нисбатан %да | 2011 йил 1-чоракда кутилади | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | прогноз | ҳақиқатда | | прогноз | 2010 йил 1-чоракка нисб.ўсиш суръати %да |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| | шу жумладан, енгил саноат маҳсулотлари | - // - | 2898,1 | 2604,1 | 2245,6 | 77,5 | 445,7 | 101,5 |
| | Вино-арок ва пиво ичимликлари | - // - | 8331,3 | 8671,1 | 8396,6 | 100,8 | 2107,4 | 102,4 |
| **3.4.** | **Тармоклар буйича маҳсулот хажми** | **млн.сўм** | **481014,0** | **640310,2** | **614281,5** | **112,9** | **185583,0** | **116,0** |
| | Электроэнергетика | - // - | 3153,7 | 4176,9 | 3970,3 | 125,9 | 1132,5 | 100,6 |
| | Ёқилғи саноати | - // - | 61157,3 | 87985,4 | 86857,3 | 99,1 | 25457,2 | 125,9 |
| | Химия ва нефть химияси саноати | - // - | 913,8 | 945,7 | 708,8 | 76,9 | 250,6 | 102,2 |
| | Шу жумладан, корхоналар бўйича | | | | | | | |
| | Кислородчи савдо корхонаси | - // - | | 105,4 | 106,3 | | 22,6 | 101,3 |
| | Намуна тезкор қурилиш | - // - | 107,8 | 157,4 | 159,0 | 144,2 | 33,8 | 104,5 |
| | Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш | - // - | 10230,5 | 12967,1 | 11119,1 | 93,7 | 2362,8 | 145,3 |
| | Шу жумладан, корхоналар бўйича | - // - | | | | | | |
| | Сурхон Чилангар МЧЖ | - // - | | 204,2 | 223,5 | | 47,5 | 102,2 |
| | Саноат пайвандлаш | - // - | 830,0 | 842,1 | 232,5 | 22,1 | 49,4 | 103,1 |
| | Механика хусусий корхонаси | - // - | | 120,3 | 121,0 | | 25,7 | 105,4 |
| | Соврус хусусий корхонаси | - // - | 81,0 | 85,3 | 87,6 | 102,3 | 18,6 | 106,2 |
| | Урмон, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз-целлюлоза саноати | - // - | 6404,2 | 7698,9 | 6830,7 | 91,8 | 1635,7 | 107,1 |
| | Қурилиш материаллари саноати | - // - | 31065,4 | 53849,1 | 44577,7 | 120,8 | 9472,8 | 170,4 |
| | Фарфор-фаянс саноати | - // - | 10,0 | 20,1 | 3,1 | 29,9 | 1,2 | 22,2 |
| | Ойнасозлик саноати (ойнадан медицина жиҳозлари ишлаб чиқариш билан биргаликда) | - // - | | | | | | |
| | Енгил саноат | - // - | 228061,5 | 306243,1 | 295438,8 | 120,1 | 105780,7 | 127,6 |
| | Озиқ-овқат саноати | - // - | 69876,8 | 99619,6 | 95687,2 | 115,9 | 24808,2 | 122,8 |
| | Ун-крупа ва комбикорма саноати | - // - | 68917,3 | 66045,1 | 68500,0 | 100,9 | 14556,2 | 126,2 |
| | Микробиология саноати | - // - | | | | | | |
| | Медицина саноати | - // - | | | | | | |
| | Полиграфия саноати | - // - | 1155,5 | 466,4 | 367,3 | 23,6 | 78,1 | 82,8 |
| | Бошқа тармоқлар | - // - | 68,0 | 292,8 | 221,2 | 322,6 | 47,0 | 102,3 |

| № т/р | Кўрсаткичлар номлари | Ўлчов бирлиги | 2009 йил ҳақиқатда | 2010 йил | | 2009 йилга нисбатан %да | 2011 йил 1-чоракда кутилади | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | прогноз | ҳақиқатда | | прогноз | 2010 йил 1-чоракка нисб.ўсиш суръати %да |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 3.5. | **Мухим турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, натурал ифодада:** | тегишли бирлик-ларда | | | | | | |
| | **Жами пахта толаси** | **тонна** | **102266** | **103289** | **118569** | **115,9** | **37512** | **100,0** |
| | Шу жумладан, корхоналар бўйича: | | | | | | | |
| | "Сурхонпахтасаноат" ХАБ | тонна | 102266 | 103289 | 118569 | 115,9 | 37512 | 100,0 |
| | **Жами пахта чигити** | **тонна** | **155221** | **156779** | **179749** | **115,8** | **57353** | **100,0** |
| | Шу жумладан, корхоналар бўйича | | | | | | | |
| | "Сурхонпахтасаноат" ХАБ | тонна | 155221 | 156779 | 179749 | 115,8 | 57353 | 100,0 |
| | **Жами момиқ** | **тонна** | **6110,4** | **6171** | **6941** | **113,6** | **2415** | **100,5** |
| | Шу жумладан, корхоналар бўйича | | | | | | | |
| | "Сурхонпахтасаноат" ХАБ | тонна | 6110,4 | 6171 | 6941 | 113,6 | 2415 | 100,5 |
| | **Жами омихта ем** | **тонна** | **66445** | **66450,2** | **64601** | **97,2** | **16745,2** | **107,3** |
| | Шу жумладан, корхоналар бўйича | | | | | | | |
| | "Шўрчидонмаҳсулотлари" ОТАЖ | тонна | 35587 | 34719 | 34719 | 97,6 | 12230 | 100,0 |
| | "Сурхондонмаҳсулотлари" ҲЖ | тонна | 18318 | 14216,4 | 14216,4 | 77,6 | 2250 | 118,4 |
| | **Жами ун** | **тонна** | **113232** | **102825,4** | **102933** | **90,9** | **26957** | **134,2** |
| | Шу жумладан, корхоналар бўйича | | | | | | | |
| | "Шўрчидонмаҳсулотлари" ОТАЖ | тонна | 77181 | 73146 | 73146 | 94,8 | 19551 | 100,1 |
| | "Сурхондонмаҳсулотлари" ҲЖ | тонна | 35142 | 29019,7 | 29019,7 | 82,6 | 7256 | 175,7 |
| | **Жами нефт маҳсулотлари** | **тонна** | **334994** | **388600** | **349587** | **104,4** | **90500** | **100,1** |
| | Шу жумладан, корхоналар бўйича | | | | | | | |
| | "Жарқурғоннефт" ҲЖ | тонна | 134294 | 136600 | 132087 | 98,4 | 31100 | 90,4 |
| | "Жарқурғоннефтқайтаишлаш" Қ/К | тонна | 200700 | 252000 | 217500 | 108,4 | 59400 | 108,8 |
| | **Жами ёғ** | **тонна** | **18194** | **18843** | **17855** | **98,1** | **4153** | **101,3** |
| | Шу жумладан, корхоналар бўйича | | | | | | | |
| | "Сурхонозиқовқат" ҲЖ | тонна | 15111 | 18843 | 14819 | 98,1 | 4153 | 101,3 |
| | **Жами совун** | **тонна** | **2743** | **2250** | **3283** | **119,7** | **1150** | **106,7** |
| | Шу жумладан, корхоналар бўйича | | | | | | | |
| | "Сурхонозиқовқат" ҲЖ | тонна | 2743 | 2250 | 3283 | 119,7 | 1150 | 106,7 |

| № т/р | Кўрсаткичлар номлари | Ўлчов бирлиги | 2009 йил ҳақиқатда | 2010 йил | | 2009 йилга нисбатан %да | 2011 йил 1-чоракда кутилади | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | прогноз | ҳақиқатда | | прогноз | 2010 йил 1-чоракка нисб.ўсиш суръати %да |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| | **Жами шрот** | **тонна** | **50,5** | **57,7** | **54** | **106,9** | **22,8** | **102,7** |
| | Шу жумладан, корхоналар бўйича | | | | | | | |
| | "Сурхонозиқовқат" ҲЖ | минг тонна | 41,9 | 48 | 43,7 | 104,3 | 20,2 | 101,9 |
| | "Агрохизмат шингдонг" қўшма корхонаси | минг тонна | 8,6 | 9,7 | 10,3 | 119,8 | 2,6 | 103,4 |
| | **Жами ароқ** | **минг.дкл** | **631,5** | **601** | **590** | **93,4** | **127,5** | **100,3** |
| | Шу жумладан, корхоналар бўйича | | | | | | | |
| | "Денов вино арок" ҲЖ | минг.дкл | 446,5 | 446,5 | 462 | 103,5 | 106 | 101,0 |
| | Вино-арок маҳсулотлари ва пиво | | | | | | | |
| | Узум шароби | минг.дкл | 111,5 | 111,5 | 120 | 107,6 | 25 | 101,0 |
| | Арок ва ликёр-арок маҳсулотлари | минг.дкл | 335 | 335 | 342 | 102,1 | 81 | 101,0 |
| | "САВБ" ҲЖ | минг.дкл | 185 | 154,5 | 128 | 69,2 | 21,5 | 100,7 |
| 3.6. | **Асосий истеъмол товарлари ишлаб чиқариш:** | **тегишли бирлик-ларда** | | | | | | |
| | **Ноозиқ-овқат моллари** | | | | | | | |
| | Омухта ем | минг тонна | 66445 | 66450,2 | 64601 | 97,2 | 16745,2 | 107,3 |
| | Хўжалик совуни | тонна | 2743 | 2250 | 3283 | 119,7 | 1150 | 106,7 |
| | Мебель | млн.сўм | 4377,8 | 3946,2 | 4107,5 | 93,8 | 1026,9 | 102,3 |
| | **Енгил саноат моллари** | | | | | | | |
| | Ип-газлама | минг кв.м | 5017 | 2934,7 | 2378 | 47,4 | 592,1 | 103,2 |
| | Трикотаж маҳсулотлари | минг дона | | | | | | |
| | Момик | тонна | 6110,4 | 6171 | 6941 | 113,6 | 2415 | 100,5 |
| | Тайёр кийим-кечак | млн.сўм | | | | | | |
| | **Озиқ-овқат моллари** | | | | | | | |
| | Ўсимлик ёғи (рафинацияланган) | тонна | 18194 | 18843 | 17855 | 98,1 | 4153 | 101,3 |
| | Мева-сабзавот консервалари | минг ш/б | 219 | 401,3 | 502 | 229,2 | 88 | 102,4 |
| | Гўшт ва гўшт маҳсулотлари | тонна | 1722 | 1580 | 1838 | 107,0 | 321,7 | 105,6 |
| | Гўштли ярим тайёр маҳсулотлар | - // - | | | | | | |
| | Колбаса маҳсулотлари | - // - | 17 | 21,3 | 24,7 | 145,0 | 4,3 | 104,2 |
| | Сариёғ | - // - | 269,7 | 270,7 | 279 | 103,4 | 48,7 | 102,6 |

| № т/р | Кўрсаткичлар номлари | Ўлчов бирлиги | 2009 йил ҳақиқатда | 2010 йил | | 2009 йилга нисбатан %да | 2011 йил 1-чоракда кутилади | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | прогноз | ҳақиқатда | | прогноз | 2010 йил 1-чоракка нисб.ўсиш суръати %да |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| | Сут маҳсулотлари | - // - | 4119 | 5597,3 | 4438 | 108,0 | 781,2 | 104,7 |
| | Пишлоқ ва ёғли бринзалар | - // - | | | 4 | | 0,7 | |
| | Нон ва нон маҳсулотлари | - // - | 45074 | 52256 | 47161,7 | 104,6 | 6254,6 | 107,2 |
| | Қандолат маҳсулотлари | - // - | 769 | 894,7 | 885 | 115,0 | 154,9 | 105,3 |
| | Макарон маҳсулотлари | - // - | 1898 | 1696 | 1634 | 86,1 | 525,7 | 106,2 |
| | Алкоголсиз ичимликлар | минг.дкл | | | | | | |
| | Минерал сув | м/дона | 2253 | 2370,7 | 2926 | 129,9 | 512 | 102,4 |
| | Ун | тонна | 114830 | 114872 | 104825 | 91,0 | 27944,6 | 140,4 |
| | Балиқ махсулоти | тонна | 12 | 37,3 | 37 | 308,3 | 6,5 | 105,7 |
| | Вино-ароқ маҳсулотлари ва пиво | | | | | | | |
| | Узум шароби | минг.дкл | 296,5 | 266 | 248 | 83,6 | 46,5 | 100,9 |
| | Ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари | минг.дкл | 335 | 335 | 342 | 102,1 | 81 | 101,0 |
| 3.7. | **Асосий маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш** | | | | | | | |
| | Нефть | % | | | | | | |
| | Конденсат | % | | | | | | |
| | Табиий газ | % | | | | | | |
| | Полиэтилен (гранула) | % | | | | | | |
| 3.8. | **Агросаноат комплексида ишлаб чиқарилган мухим турдаги маҳсулотларни натурал ифодаси:** | тегишли бирлик-ларда | | | | | | |
| | Пахта толаси | тонна | 102266 | 103289 | 118569 | 115,9 | 37512 | 100,0 |
| | Пахта чигити | - // - | 155221 | 156779 | 179749 | 115,8 | 57353 | 100,0 |
| | Ун | - // - | 113232 | 102825,4 | 102933 | 90,9 | 26957 | 134,2 |
| | Ёрма | - // - | | | 249 | | 43,6 | |
| | Нон маҳсулотлари | - // - | 11899 | 10390,7 | 11367,7 | 95,5 | 3125,8 | 100,4 |
| | Гўшт маҳсулотлари | - // - | 655 | 701,3 | 702 | 107,0 | 179,2 | 101,2 |
| | Сариёғ | - // - | 11,7 | 4,7 | 5 | 42,7 | 0,4 | 133,3 |
| | Сут маҳсулотлари | - // - | 659 | 930,7 | 938 | 142,0 | 203,4 | 100,2 |

# Сурхондарё вилоятининг ҳудудий иқтисодиёти

Вилоятнинг ҳудудий иқтисодиётини туманлар мисолида кўриб чиқамиз.

## Термиз шаҳри

1929-йилда шаҳар мақоми берилган Термиз 1941 йилдан Сурхондарё вилоятининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланади. Шаҳарнинг умумий майдони 0,03 минг $км^2$ бўлиб, бу ерда 131 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Ўзбекистон Республикасини қўшни Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа кўплаб давлатлар билан боғловчи йўлнинг ҳам айнан Термиз шаҳри орқали ўтгани боис вилоятнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабли, Термизни

«42»

мустақил юртимизнинг жануби дарвозаси, деб ҳам аталади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 июндаги „2008-2012 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида" ги қарорига мувофиқ, тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳамда маҳаллий маблағларни жалб этган ҳолда 2009 йилда шаҳарда жами 8 та инвестицион лойиҳалар амалга оширилди.

Натижада „Термиз сут" МЧЖ да табиий шарбат ишлаб чиқариш, „Пиллақуритиш" ёки „Термиз Сурхон силк" қўшма корхонасида пиллани қайта ишлаш, „Сурхондонмаҳсулотлари" ОТАЖ да нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, „Мовороуннаҳр-Термиз" МЧЖ да хўжалик

моллари ва уй жиҳозлари, „Гуласал-шабнам" хусусий кичик корхонасида тикувчилик маҳсулотлари, „Акмал Дил-Адҳам" хусусий корхонасида реклама панеллари ишлаб чиқариш ишлари олиб борилмоқда. Ишга туширилган ушбу корхоналар Термиз шаҳрининг иқтисодий ривожланишини таъминлашдаги ўрни беқиёс. Шунингдек шаҳар иқтисодиётида аҳолининг хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларидан тўлароқ баҳраманд бўлиши ва янги иш ўринларининг яратилиши истиқболли йўналишларда олиб борилмоқда.

## Ангор тумани

Ангор тумани майдони 0,39 минг км$^2$ дан иборат бўлиб, аҳолиси 102,6 минг кишини ташкил этади. Ангор қўрғони туманнинг маъмурий маркази

ҳисобланади, у Термиз шаҳри-дан 33 км шимоли-ғарбда жой-лашган. Туманда битта қўрғон, еттита қишлоқ фуқоролар йиғини мавжуд.

Туман аграр ишлаб чиқариш-га мослашганлиги сабабли, асо-сий эътибор қишлоқ хўжалиги-ни ривожлантиришга қаратил-ган. Бу борада фермер хўжалик-лари етакчи кучни ташкил этади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида 363 та фер-мер хўжаликлари 18680 гектар ер майдонда фаолият юрит-моқда, бир хўжаликка тўғри келадиган ер 51,5 гектарни таш-кил этади. Мавжуд фермер хўжаликларида 9280 киши фаол меҳнат жараёнига жалб этил-ган.

Вазирлар Маҳкамасининг „2008-2012 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

«45»

дастури тўғрисида" ги қарорига мувофиқ хорижий инвестиция ва кредитлар ҳамда маҳаллий маблағларни жалб этган ҳолда 3 та инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Булар: плёнка ишлаб чиқарувчи „Олтин воҳа" хусусий фирмаси, нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи „Ангор мева-сабзавот" агрофирмаси ҳамда пеноблок ишлаб чиқаришга ихтисослашган „Ангорпласт" хусусий корхоналаридир.

## Бандихон тумани

Бандихон тумани 1992 йилда ташкил этилган. Майдони 200,6 км$^2$ дан иборат бўлган туманда бешта фуқоролар йиғини ва 18 та маҳалла кенгашида 45300 киши истиқомат қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг „2008-2012 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳамда маҳаллий маблағларни жалб этган ҳолда 3 та инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, туман ҳудудида "Кулол-файз-барака" хусусий корхонасида ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, "Мирзо Таржин" корхонасида асаларичилик ташкил этилди, "Саховат Бандихон" хусусий корхонасида эса қурилишга энг зарур хомашё ҳисобланган оҳак ишлаб чиқарилмоқда.

## Бойсун тумани

Ер майдони 3,72 минг км$^2$ дан иборат туман ҳудудида 95 мингдан ортиқ аҳоли яшайди.

Туманда 2009 йилда жами 7 та инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, "Жило Файз" хусусий фирмасида ғишт

маҳсулотларини қайта ишлаш ва кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш, "Умид калити" хусусий фирмасида замонавий дурадгорлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, "Орзу" хусусий фирмасида иссиқхона ташкил этиш каби ишлар шулар жумласидандир.

Бойсун тумани бўйича ўтган йилга нисбатан 2009 йилда аҳолига пулли хизмат кўрсатиш динамикаси




1. Алоқа ва ахборот
2. Савдо-овқатланиш
3. Коммунал-маиший

« 48 »

4. Автосервис
5. Молиявий
6. Транспорт
7. Бошқалар.

## Денов тумани

Денов Сурхондарё вилоятининг иқтисодий ривожланишида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшаётган, бошқа ҳудудларга қараганда халқ хўжалиги тармоқларида анчайин ривож топган туманлардан ҳисобланади.

Бугунги кунда 315459 киши истиқомат қилаётган мазкур туманда аҳолининг катта қисмини меҳнатга лаёқатли ёшлар, юртни яшнатиш ишида бўлган ижтимоий фаол кишилар ташкил этади.

Туманда хорижий инвестиция ва кредитлар ҳамда маҳаллий маблағларни жалб этган ҳолда, 2009 йилда жами 16 та инвестицион лойиҳалар амалга

«49»

оширилди.

Жумладан, „Олтин куз Денов" агрофирмасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омбори реконструкцияси амалга оширилди, „Сурхон кўрки" х/к. нон ва кондитер маҳсулотлари, „Жидоятилла" мчж да ғишт, „Барлос бизнес" сичк да яхна ичимликлар, „Тарона Жасмин Олмос" хусусий фирмасида табиий шарбатлар ишлаб чиқарилмоқда.

## Жарқўрғон тумани

Аҳолиси 169513 кишидан иборат Жарқўрғон тумани майдони 1,14 минг км².

Жарқўрғон туманида 2009 йилда аҳолига кўрсатилган пулли хизмат турларининг улуши % да.



«50»

коммунал-маиший 31,3
автосервис 0,6
бошқалар 34,7
алоқа ва ахборот 0,9
савдо-овқатланиш 7,2
транспорт 18,5
молиявий 6,8.

## Музработ тумани

Музработ тумани 1968 йилда ташкил топган, Халқобод қишлоғи унинг маркази ҳисобланади. Умумий ер майдони 73726 гектардан иборат бўлиб, шундан 31873,7 гектарида деҳқончилик қилинади.

Туманда маҳаллий ва хорижий инвестициялар жалб этилгани ҳолда олтита инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи „Жартепа қурувчи", ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган „Музработ ғишт", керамик ғишт ишлаб чиқарувчи „Сурхон-ғишт

қуриллиш" МЧЖ лари ҳамда де-
ворбоб материаллар ишлаб чи-
қарувчи „Ахрор Достон Аббос"
корхонасини мисол қилиш мумкин.

## Олтинсой тумани

Туман майдони 0,56 минг км²
бўлиб, 134570 киши истиқомат
қилади.

Президентимизнинг чорвачилик-
ни ривожлантиришга бўлган ало-
ҳида эътиборлари туфайли, ту-
манда зотдор, насли моллар кў-
пайтирилиб, маълум маънода гўшт
ва сутга бўлган талаб ички ман-
балар ҳисобидан қондирилишига
эришилмоқда.

2009 йилда гўшт ишлаб чиқа-
риш 9,4 % (6765 тонна), сут ишлаб
чиқариш 2,9 % (25028 т.), тухум
ишлаб чиқариш 1,0 % (6373 минг до-
на) га ортди.

2009 йилда жами олтита
инвестицион лойиҳа амалга оши-
рилди. Масалан, „Қорлиқ юлдузи"

«52»

хусусий фирмасида маиший хизмат ва музқаймоқ ишлаб чиқариш, „Фаррух Севинч ҳамкор" фермер хўжалигида иссиқхона ташкил этиш йўлга қўйилди.

## Сариосиё тумани

Сариосиё тумани майдони 3,93 минг км² га тенг. Аҳолиси 164618 кишидан иборат.

Туман ҳудудида саноатга, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган турли маҳаллий ва қўшма корхоналар юқори суръатларда фаолият олиб бормоқда. Ана шундай корхоналар қаторига „Сариосиё пахта тозалаш заводи", „Темир бетон", „Шарқуи гишт", „Саховат" консерва ишлаб чиқариш МЧЖ. кабиларни киритиш мумкин.

Шунингдек, туман ҳудудида „Тўполанг" сув омбори ташкил этилган бўлиб, унинг негизида

«53»

барпо этилган „Тўпаланг ГЭС" корхонаси туманнинг фахри ҳисобланади. Ушбу корхона ҳозирги кунда йилига 65 минг кв.т. дан ортиқ электр энергия ишлаб чиқараётганлиги туман иқтисодига келтираётган фойдаси жиҳатидан катта аҳамиятга эга.

## Термиз тумани

Термиз тумани Республикамизнинг энг жанубий қисмида жойлашган бўлиб Афғонистон, жануби-шарқдан Тожикистон, жануби-ғарбдан эса Туркманистон Республикалари билан чегарадош.

Туман майдони 0,86 минг км² бўлиб, маъмурий маркази Учқизил қўрғони ҳисобланади. Аҳолиси 86555 кишидан иборат.

Туманда хорижий инвестиция ва кредитлар ҳамда маҳаллий аблағларни кен кўламда жалб этган ҳолда еттита

«54»

2263,5 млн. сўм
Коммунал - маиший - 123,6 %, 5377,5 млн. сўм
Автосервис 151,4 %, 179,4 млн сўм
Молиявий 108,7 %, 1520,6 млн сўм
Транспорт 156,7 %, 1841,9 млн сўм.
Бошқалар 120,2 %, 2312,8 млн сўм

## Шеробод тумани

Шеробод тумани майдони 2727 км$^2$ дан иборат бўлиб, аҳолиси 148918 кишидан иборат.

Шеробод замини турли қазилма бойликларга, хусусан ош тузи, кўмир, ёнувчи сланец, мармар, гранит, олтингугурт, қурилиш материаллари каби бир қанча табиий конларнинг катта истиқболига эга. Хорижий инвестиция ва кредитлар ҳамда маҳаллий маблағларни жалб этган ҳолда 2009 йилда туман бўйича бешта инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, „Хўжаикон туз" да давомаш маркази

«56»

„Агрохизмат Шиндонг" қўшма корхонасида ўсимлик ёғини қадоқлаш кабилар.

## Шўрчи тумани

Бугунги кунга келиб, Шўрчи тумани вилоятнинг катта ва аҳолиси энг зич жойлашган туманлардан бирига айланган. Яъни 165961 киши яшайдиган туман ҳудудида битта шаҳар, ўнта қишлоқ фуқаролар йиғини, 42 та қишлоқ аҳоли пункти ва 53 та маҳалла мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда э асосий куч: бу деҳқон ва фермер хўжаликларидир. Туманда 2009 йили 400 га яқин фермер хўжаликлари ўзларига ажратилган 21185 гектар ер ажратиб берилган бўлиб, хўжаликларда жами 11383 киши меҳнат қилди.

2009 йили битри инвестиция

лойиҳа „Шўрчидонмаҳсулотлари" корхонаси қошида нон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди.

## Қизириқ тумани

Қизириқ тумани 1975-йилда ташкил этилган. Майдони 0,35 минг км² бўлиб, аҳолиси 90 минг киши.

Хорижий инвестиция ва кредитлар ҳамда маҳаллий маблағларни жалб этган ҳолда 2009 йилда бешта инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Булар „Қизириқ савдо" МЧЖ да кондитер ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, „Салоҳият имконият" қўшма корхонасида бетон столбалар ишлаб чиқариш кабилар йўлга қўйилди.

## Қумқўрғон тумани

Туманнинг ер майдони 2,21 минг км²

бўлиб, маъмурий маркази Қумқўрғон шаҳридир. Мазкур шаҳар ва вилоят маркази оралиғи 90 км бўлиб, йирик сунъий денгизлардан бири Жанубий Сурхон сув омбори ҳам, айнан шу ҳудудда жойлашган.

Қумқўрғон туманида 2009 йилда аҳолига кўрсатилган пулли хизмат турларининг улуши, % да.

- коммунал маиший 32,5;
- автосервис 0,4;
- бошқалар 9,7;
- алоқа ва ахборот 0,6;
- савдо овқатланиш 23,3;
- транспорт 19,8;
- молиявий 13,7.

## Сурхондарё вилояти транспорт тизими ва халқаро иқтисодий алоқалари

Вилоятда темир йўл транспортининг салмоғи катта. Сурхондарёда дастлабки темир йўл 1915 йилда (Когон-Термиз) қурилган.

1925 йилда 248 км ли Термиз-Душанбе темир йўли қурилди. Вилоятнинг ички транспорт алоқаларида автомобиль йўлининг аҳамияти катта. Вилоятда қаттиқ қопламали автомобил йўлларининг узунлиги 2,7 минг км дан ортиқ. Вилоятнинг асосий йўли Катта Ўзбек тракти. Шунингдек Республикамизнинг жанубий вилоятлари Қашқадарё ва Сурхондарёнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тезлаштириш, темир йўлда юк ташишнинг транспорт таъминотини яхшилаш, мамлакат темир йўли тармоғини жонлантириш мақсадида „Тошгузор-Бойсун-Қумқўрғон" янги темир йўли ишга туширилди.

Сурхондарё вилоятининг ташқи савдо имконияти катта истиқболга эга. 2009 йилда бу борада 206,9 млн АҚШ долларлик кўрсаткичга эришилгани

вилоят ташқи савдосининг йилдан йилга ривожланиб бораётганидан далолатдир. Ташқи савдо айланмасида экспортнинг импортга нисбатан юқорилиги туфайли, ижобий сальдо 174,5 млн АҚШ долларига тенг бўлди. Агар экспортда иштирок этган маҳсулот турларига эътибор қаратилса, умумий ҳажмнинг 63,2 %и пахта толаси, 7,9 %и озиқ-овқат маҳсулотлари, 21,1 %и энергия манбаи маҳсулотлари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ҳамда хизматлар ташкил этади.

Чет эл сармоялари иштирокида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг экспорт ҳажми 31,8 млн АҚШ долларини, импорт ҳажми эса 3,8 млн АҚШ долларини ташкил этади.

Вилоятда рўйхатдан ўтган жами 72 та қўшма корхонадан

39 таси саноат, 8 таси транспорт ва телекоммуникация хизматлари, 4 таси қишлоқ хўжалиги, 15 таси савдо соҳаси ҳамда 6 таси бошқа соҳаларга ихтисослашган.

## Хулоса

Юқорида кўриб ўтилган режалардан, гаплардан шундай хулоса қилишимиз мумкин.

Сурхондарё вилояти Республикамизнинг бошқа вилоятларидан фарқли равишда субтропик иқлим минтақасида ва 3 та давлат билан чегарадош ҳолда жойлашган.

Берилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳозирги кунга келиб Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган ва унинг натижасини вилоятнинг турли соҳаларида кўришимиз мумкин.

яъни алоқа ва ахборот, савдо-овқатланиш, коммунал маиший хизматлар, автосервис соҳаси, молья тизими, транспорт ва бошқаларнинг ривожланишини Сурхондарё вилоятининг ҳар бир тумани мисолида кўриб чиқдик.

Юқорида берган маълумотларимнинг кириш қисмида Президентимизнинг бир гапини келтирган эдим. „Бу тупроқдаги ҳар бир тош, ҳар бир ғиштнинг ўз тарихи бор. Зараутсой ва Тешиктош ғорлари, Боботоғ ва Бойсунтоғ қояларидаги битиклар ва суратлар бу замин жаҳон цивилизациясининг илк бешикларидан эканлигига гувоҳлик беради". Шу гапга мос равишда хулоса қисмга янги маълумотларни қўшимга қиммоқчи эдим.

Сурхон воҳаси Президентимиз

«63»

И. А. Каримов айтганидек, жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган. Сабаби бу ўлкадан буюк алломалар, олимлар етишиб чиққан. Дунёда машҳур ва мусулмон дунёсида алоҳида ҳурматга сазовор бўлган ал-Ҳаким ат-Термизий, Варроқ ат-Термизий, Юсуф Ҳаёт ат-Термизий, Имом абу Исо ат-Термизий, Абул Музаффар ат-Термизий кабилар вилоят тарихий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Шалда ва бошқа улуғ сиймоларимиз номларини абадийлаштириш мақсадида вилоятда 64 та зиёратгоҳлар ташкил этилган. Сурхон халқининг уларни улуғлаши, зиёрат қилиб, оллоҳни улуғлаши эса вилоятнинг, унинг халқининг ҳаётида ривожланиш бўлишига имкон яратади.

# Фойдаланилган адабиётлар


1. Интернет сайти: www.google.uz.
2. Эрудит газетаси. Самарқанд 2006.
3. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Таълимий журнал. 2010.
4. Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумоти.
5. Ўзбекистон миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Т; 2004. 8-том, 155-бет.
6. Қ. Усмонов. Ўзбекистон тарихи. „Ўқитувчи" нашриёти. Т., 2004.

| № т/р | Кўрсаткичлар номлари | Ўлчов бирлиги | 2009 йил ҳақиқатда | 2010 йил | | 2009 йилга нисбатан %да | 2011 йил 1-чоракда кутилади | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | прогноз | ҳақиқатда | | прогноз | 2010 йил 1-чоракка нисб.ўсиш суръати %да |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| | Пишлоқ ва ёғли бринзалар | - // - | | | 4 | | 0,7 | |
| | Мева-сабзавот консервалари | минг ш/б | 99 | 44 | 33 | 33,3 | 5,7 | 101,3 |
| | Қандолат маҳсулотлари | тонна | 211 | 228 | 239 | 113,0 | 64,1 | 103,4 |
| | Макарон маҳсулотлари | - // - | 1719 | 1633,3 | 1431 | 83,2 | 501,2 | 108,5 |
| | Омухта ем | - // - | 66445 | 66450,2 | 64601 | 97,2 | 16745,2 | 107,3 |
| | Рафинацияланган ўсимлик ёғи | - // - | 18194 | 18843 | 17855 | 98,1 | 4153 | 101,3 |
| | Хўжалик совуни | - // - | 2743 | 2250 | 3283 | 119,7 | 1150 | 106,7 |
| | Ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари | минг.дкл | 335 | 335 | 342 | 102,1 | 81 | 101,0 |
| | Узум шароби | - // - | 296,5 | 4066,7 | 248 | 83,6 | 46,5 | 100,9 |
| | Алкоголсиз ичимликлар | - // - | | | | | | |
| | Минерал сувлар | м/дона | 2253 | 2370,7 | 2926 | 129,9 | 512 | 102,4 |
| | Балиқ овлаш | тонна | 12 | 37,3 | 37 | 308,3 | 6,5 | 105,7 |

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

1-жадвал

# Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши

| № | Шаҳар ва туманлар номи | Ялпи ҳудудий маҳсулот % | Саноат маҳсулотлари % | Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти % | Қурилиш ишлари % | Чакана савдо айланмаси % | Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш % | Экспорт % | Юк ташиш % | Йўловчи ташиш % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Термиз ш. | x | 35,0 | 100,0 | 55,0 | 30,0 | 60,2 | 63,5 | 34,2 | 90,9 |
| 2 | Ангор | x | 9,9 | 99,8 | 100,0 | 44,3 | 52,4 | 65,8 | 53,1 | 97,7 |
| 3 | Бандихон | x | 84,7 | 99,5 | 82,7 | 49,4 | 62,2 | 46,9 | 63,3 | 96,9 |
| 4 | Бойсун | x | 58,0 | 99,7 | 68,3 | 33,5 | 57,4 | 72,6 | 62,9 | 92,3 |
| 5 | Денов | x | 14,8 | 99,3 | 93,2 | 54,4 | 78,2 | 85,2 | 87,0 | 83,9 |
| 6 | Жарқўрғон | x | 4,4 | 100,0 | 86,0 | 45,0 | 53,8 | 59,2 | 61,3 | 98,2 |
| 7 | Қизириқ | x | 6,4 | 96,8 | 100,0 | 24,2 | 52,7 | 65,0 | 67,3 | 96,8 |
| 8 | Қумқўрғон | x | 15,5 | 98,1 | 100,0 | 31,4 | 68,8 | 62,3 | 52,2 | 94,5 |
| 9 | Музработ | x | 17,9 | 100,0 | 100,0 | 38,4 | 57,7 | 45,9 | 36,5 | 97,0 |
| 10 | Олтинсой | x | 48,2 | 100,0 | 95,3 | 24,1 | 52,1 | 70,9 | 42,5 | 97,4 |
| 11 | Сариосиё | x | 38,2 | 100,0 | 59,5 | 43,7 | 62,8 | 51,9 | 38,1 | 93,7 |
| 12 | Термиз т. | x | 81,6 | 96,5 | 88,8 | 80,7 | 53,7 | 64,3 | 68,6 | 97,0 |
| 13 | Узун | x | 28,5 | 100,0 | 99,5 | 36,1 | 71,7 | 63,1 | 62,2 | 98,2 |
| 14 | Шеробод | x | 5,8 | 98,4 | 68,9 | 45,4 | 44,0 | 53,8 | 51,5 | 84,2 |
| 15 | Шўрчи | x | 10,0 | 100,0 | 98,1 | 42,9 | 55,6 | 55,6 | 62,8 | 95,6 |
| | Вилоят бўйича | 71,2 | 16,4 | 99,0 | 79,0 | 41,2 | 63,0 | 67,3 | 58,2 | 91,4 |

2- жадвал

### 3. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

| № т/р | Кўрсаткичлар номлари | Ўлчов бирлиги | 2009 йил ҳақиқатда | 2010 йил | | 2009 йилга нисбатан %да | 2011 йил 1-чоракда кутилади | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | прогноз | ҳақиқатда | | прогноз | 2010 йил 1-чоракка нисб.ўсиш суръати %да |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| **3.1.** | **Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми** | **млн.сўм** | **481014,0** | **640310,2** | **614281,5** | **112,9** | **185583,0** | **116,0** |
| 3.1.1. | Нодавлат секторида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми | - // - | 481014,0 | 640310,2 | 614281,5 | 112,9 | 185583,0 | 116,0 |
| | Ҳудудий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар | - // - | 100224,2 | 130102,8 | 138722,6 | 122,6 | 35987,9 | 108,2 |
| 3.1.2. | Саноат корхоналари сони | бирлик | 1439 | 1403 | 1414 | 98,3 | 1425 | 102,1 |
| | шундан фаолият кўрсатаётгани | - // - | 1024 | 1014 | 1015 | 99,1 | 1024 | 104,3 |
| | шу жумладан, | | | | | | | |
| | Йирик саноат корхоналари | - // - | 26 | 26 | 27 | 103,8 | 27 | 100,0 |
| | шундан фаолият кўрсатаётгани | | 24 | 24 | 25 | 104,2 | 25 | 100,0 |
| | Кичик корхоналар | - // - | 1602 | 1495 | 1518 | 94,7 | 1531 | 103,2 |
| | шундан фаолият кўрсатаётгани | | 1190 | 1120 | 1121 | 94,2 | 1134 | 104,5 |
| | Саноат корхоналаридаги ишчилар сони | минг киши | 16448 | 15527 | 15538 | 94,5 | 15597 | 102,4 |
| 3.1.2.1. | Республика тасарруфидаги корхоналар: | | | | | | | |
| | сони | бирлик | 21 | 22 | 22 | 104,8 | 22 | 100,0 |
| | иш/ч маҳсулот ҳажми | млн.сўм | 380789,8 | 510207,4 | 475558,9 | 110,1 | 149595,1 | 123,8 |
| | Ҳудудий тасарруфдаги корхоналар сони: | | | | | | | |
| | сони | бирлик | 3 | 3 | 3 | 100,0 | 3 | 100,0 |
| | иш/ч маҳсулот ҳажми | млн.сўм | 100224,2 | 130102,8 | 138722,6 | 122,6 | 35987,9 | 108,2 |
| **3.2.** | **ХИМ ишлаб чиқариш** | **млн.сўм** | **192092,0** | **214801,0** | **202660,9** | **105,5** | **42326,0** | **105,8** |
| | шу жумладан | | | | | | | |
| | Озиқ-овқат маҳсулотлари | млн.сўм | 130008,0 | 146632,3 | 139844,9 | 107,6 | 28710,2 | 107,8 |
| | Ноозиқ-овқат маҳсулотлари | - // - | 44933,7 | 49958,7 | 45182,4 | 100,5 | 9190,2 | 101,2 |
| | шу жумладан, енгил саноат маҳсулотлари | - // - | 5965,7 | 5468,8 | 4715,9 | 79,0 | 915,2 | 100,1 |
| | Вино-арoқ ва пиво ичимликлари | - // - | 17150,3 | 18210,0 | 17633,6 | 102,9 | 4425,6 | 103,2 |
| **3.3.** | **Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ХИМ** | **сўм** | **93315,0** | **102282,2** | **96501,4** | **103,4** | **20155,2** | **104,9** |
| | шу жумладан | | | | | | | |
| | Озиқ-овқат маҳсулотлари | минг.сўм | 63155,6 | 69822,2 | 66590,2 | 105,4 | 13671,5 | 106,9 |
| | Ноозиқ-овқат маҳсулотлари | - // - | 21828,0 | 23788,9 | 21514,6 | 98,6 | 4376,3 | 100,4 |